

Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуригимиз бўлсин!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2013 йил 20 август • сешанба № 32 (872)

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz

www.insonvaqonun.uz

www.insonvaqonun.adliya.uz

Ислом КАРИМОВ:

“Шахсий томорқадан унумли фойдаланишимиз керак. Шундагина бозордаги нарх-наво тушади. Айрим омилкор деҳқонлар ўз томорқаларидан 30-40 миллион сўмга етказиб даромад олаётгани эътиборга сазовордир”.

Томорқа

юртимиз фаровонлигига,

дастурхонларимиз

тўқинлигига хизмат қилмоқда

ОФИР дамларда Ўзбекистонда 2,5 миллион оилага 700 минг гектар сугориладиган ер томорқа сифатида хусусий мулк қилиб берилди. Бу юртимизда миллионлаб оиланинг фаровон яшashi учун замин яратди. Бугунги бозорларимиздаги арзончилик ва дастурхонларимизнинг тўқинчилиги ана шу яқин тарихга бориб тақалса, не ажаб.

22 йил. Тарих олдида киприк қоққулик давр. Шу давр ораллиғида юртимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Ютуқларимиз билан фарланамиз. Бу ютуқларни хорижликлар эътироф этса, қалбинг янада ғурурга тўларкан. Оллоҳга шукрлар бўлсинки, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо. Одамларимиз ўз ҳаётидан мамнун. Шунинг ўзи улғу бахт. Халқимиз бу кунларга ўз-ўзидан эришгани йўқ. Юртбошимизнинг доно сиёсати, ҳукуматимизнинг тўғри йўлдан бораётганини дунё ҳам тан олмакда. Буни уларнинг нуфузли халқаро анжуманларда билдирган эътирофларидан ҳам билса бўлади.

Жорий йилнинг 12 июнида Юртбошимизнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги Қарори матбуотда эълон қилинди. Қарорда мустақиллик ўз-ўзидан пайдо бўлмагани, унинг қадрига етиш, озодликнинг буюк нёъмат эканини ҳис қилиш ва энг улғу, энг азиз байрамимизни кўтаринки руҳ билан қутиб олиш вазифаси батафсил баён қилинган. Қарорни ўқиган ҳар бир юртдошимиз “Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон”

тон!”, деган ғоянинг Қарор мазмунига сингдириб юборилганини дилдан ҳис қилади. Осуда осмон, фаровон турмуш, бахтли ҳаёт бунга яққол мисол. “Ислохот — ислохот учун эмас, аввало, инсон учун”, деган давлатимиз сиёсатини халқимиз ўз ҳаётида кўрмоқда. Яқин тарихга назар соладиган бўлсак, биргина оғир шароитда Ўзбекистон бўйича 2,5 миллион оилага ҳамма-си бўлиб 700 минг гектар сугориладиган ер томорқа сифатида хусусий мулк қилиб берилгани, кишлоқларимизда ижтимоий муаммоларни ечиш, айтиш мумкинки, жар ёқасида турган юртимизда тинчлик ва барқарорлиқни сақлаб қолишда улкан тарихий қадам бўлди.

— Бугун тўла ишонч билан айтиш мумкинки, бу мураккаб масалага ана шундай оқилона ёндашув туфайли Ўзбекистон бўйича минг-минглаб одамлар уй-жойли, ишли бўлди, бозорларда маҳсулот кўпайиб, нарх-наво арзонлашди, энг муҳими, ижтимоий кескинликнинг олдини олишга эришилди, — деб ёзади Президентимиз Ислом Каримов ўзининг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида” китобида.



2

Тизим тадбирлари

Қулай инвестиция кафолатлари

сармоядорларга имтиёз бермоқда

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ва Тошкент вилояти адлия бошқармаси томонидан “Хорижий инвестиция ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонуний асослари” мавзусида ўтказилган анжуман юртимизда бу борада амалга оширилаётган ишларнинг амалий ижросига қаратилди.

АНЖУМАНДА қайд этилганидек, бугунги кунда мамлакатимизда хорижий инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонуний механизмларини жорий этиш, уларга юртимизда эркин фаолият юритишлари учун қулай имтиёз ва преференциялар бериш, умуман, инвестициявий муҳитни янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бу борада қабул қилинган бир қатор қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш, инвесторлар ҳуқуқларини муҳофаза қилишни кафолатлашда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Қатта иқтисодий салоҳиятга эга бўлган пойтахт вилоятида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларнинг мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашга ҳамда жаҳон иқтисодий интеграциялашувида қўшадиган ҳиссасини оширишга муҳим устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Бу ишларнинг барчаси инвестиция муҳитини янада яхшилаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш, қўшимча янги иш ўринлари яратиш дастурларини амалга оширишга хизмат қилмоқда.

Бунинг натижасида биргина 2013 йил I ярим йиллик якунларига кўра, вилоятда 19 та хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар давлат рўйхатидан ўтказилди ва қарийб 33 миллион доллар миқдорида хорижий инвестициялар жалб қилинди. Натижада, мингдан ортқ янги иш ўринлари яратилди.

Ўзаро эркин мулоқот асосида ташкил этилган тадбирда назорат қилувчи органлар томонидан хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарда текширишларнинг қонунийлигини таъминлаш, корхоналарда ўтказилаётган мониторинг натижалари, ҳўжалик судларига даъво аризалар киритишда янги тартиблар, фаолиятда инвестициявий дастурлар йўналиши ҳамда хорижий корхоналарни рўйхатдан ўтказишдаги асослар юзасидан иштирокчиларнинг саволларига атофлича жавоб қайтарилди.

Қишлоқ мулкдорининг ҳуқуқлари

адлия органлари эътиборида

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ адлия бошқармасида фермерлик фаолиятини янада ривожлантириш, шартномасий ҳуқуқий муносабатларни такомиллаштириш ҳисобига ер, сув ва моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш, ғўза парвариши мавсуми даврида фермерларга юклатилган вазифаларга бағишлаб, вилоят Фермерлар кенгаши, ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органлар ҳамда хизмат кўрсатувчи идоралар вакиллари иштирокида семинар ўтказилди.

ТАЪКИДЛАНГАНДИК, мустақилликнинг дастлабки давридаёқ қишлоқ мулкдорларининг жамиятда тутган ўринини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Давлатимиз раҳбарининг вилоятларга ташрифи чоғида асосан фермерлар билан учрашувлари, уларга йўл-йўриқ ва тавсиялар бериши натижаси сифатида мазкур соҳани ривожлантиришга қаратилган Фармон ва қарорларнинг қабул қилиниши фермерлар учун қатор имкониятларни кенгайтиришга хизмат қилди.

Хусусан, Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрдаги “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишнинг чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони бу борадаги ишловларнинг янги даврини бошлаб берди.

Тадбирда қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларининг асосий ишлаб чиқарувчиси айланган, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган фермерларга шартномалар аҳамияти ва уни сўзсиз бажаришда фермерлар олдида турган долзарб вазифалар ҳақида адлия бошқармаси томонидан тегишли тавсиялар берилди. Бунда ижара муносабатларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган қонунийлик базасини янада такомиллаштириш, фермер ҳўжаликларининг ҳуқуқлари, манфаатларининг ҳимоя қилиниши ва самарали фаолият юритишларини таъминлаш, шартнома интизоми ҳамда солиқ имтиёзлари масалалари юзасидан соҳа ходимларининг маърузалари тингланди.

Семинар якунида бу борада вилоят Фермерлар кенгаши олдидаги вазифалар, фермерликни янада ривожлантириш, моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш ҳамда фермер ҳўжаликларининг мулкрий муносабатлари ишончли ҳимоя қилиниши юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Адлия вазирлиги Аxbорот хизмати

Қонун моҳияти

Болаларимиз бахтли бўлиши шарт

Халқаро ҳуқуқий меъёрлар ва миллий қонунчилигимиз уйғунлиги

МАМЛАКАТИМИЗДА бола ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, фарзандларимизнинг қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш, энг муҳими, барқарор авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Юртбошимизнинг “Фарзандларимиз биздан афзалроқ, биздан ўткирроқ, биздан покроқ, савоб ишларни биздан ҳам кўпроқ қиладиган бўлишлари лозим. Улар жаҳон умумбашарий ютуқларини эгаллаш, тарихимизни, маданиятимизни, буюк аجدодларимиз қолдирган меросни чуқур билмоғи керак. Бизнинг асосий куч-қудратимиз ва келажагимиз ана шунда. Бугун зўр умидлар билан кураётган янги жамиятимизнинг мазмун-моҳияти ҳам аслида ана шундадир”, деган сўзлари бежиз айтилмаган.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон Республикаси қўшилган илк халқаро шартнома **Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция** эканлиги ҳам бу борадаги эътиборнинг ўта муҳимлиги ва долзарблигидан далолатдир.

Бу билан Ўзбекистон болаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш

бўйича бир қанча халқаро мажбуриятларни ўз зиммасига олди.

Шуни таъкидлаш жоизки, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги халқаро мажбуриятларни бажариш учун Ўзбекистон халқаро ҳуқуқий нормаларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш йўлида қатта ишларни амалга оширмоқда. Амалдаги қонунчиликда болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига, шунингдек, уларнинг ҳимоясига алоҳида эътибор берилган.

Маълумки, бола ҳуқуқлари соҳасида қонунчиликнинг асосини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ташкил этади. Унга мувофиқ бола туғилиши биланок унинг ҳуқуқ ва эркинликлари вужудга келади ҳамда давлат томонидан кафолатланади.

Болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича миллий қонунчилигимиз **Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция**га мувофиқ ҳолда такомиллаштиришга йўналтирилган.

2008 йил 7 январда қабул қилинган “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунда “бола”, “боланинг қонуний вакиллари”, “васийлик ва ҳомийлик”, “етим бола”, “жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган бола”, “ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар”, “ноғирон бола”, “ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар”, “ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола” тушунчалари, шунингдек, бола ҳуқуқларининг асосий кафолатлари ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар ҳуқуқларининг

қўшимча кафолатлари кўрсатиб ўтилган.

Ушбу ҳуқуқий ҳужжатнинг қабул қилиниши давлат томонидан ёш авлодга кўрсатиладиган ғамхўрлик, шунингдек, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг амалга ошириши янги даражага кўтарилишига замин яратди.

Маълумки, фарзандларнинг яхши яшashi, камол топиши учун оила бирдан-бир макон ва табиий муҳит ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Оила кодексининг 2-моддасига асосан, бола туғилган ва яшаб турган оиланинг фаровон ҳаёт кечириши ва камолга етиши ҳақида ғамхўрлик қилиш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш вазифаси юклатилган.

Юртбошимиз бола тарбияси

ҳақида шундай деган эди: “**Ҳар бир оқил инсоннинг ва жамиятимизнинг мукддас вазифаси, айтиш мумкинки ҳаётининг маъносини қобил фарзандлар ўстириш, уларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан мукамал қилиб тарбиялаш, камолини кўриш, ота-онасига, Ватанига садокатли кишилар этиб воёга етказишдан иборатдир.**”

Ҳуқуқий нормалар ёш авлодни меҳнатга тўғри муносабатда бўлиш, давлат ва жамият олдидаги ўз бурчларини тўғри тушуниш ва уни оғаймай амалга ошириш руҳида тарбиялайди.

Ёшларга ҳуқуқий тарбия бериш шахсининг тўғри ўсиб-ўлғайишини таъминлайди, уни бурч ва вазифа

ларни билиб олишга, қонунларга ҳурмат билан қарашга ўргатади.

Бу борада Адлия вазирлигига бир қатор вазифалар юклатилган.

Жумладан, Президентимизнинг 2011 йил 23 августдаги Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида”ги Низомга кўра, вазирликнинг асосий вазифаларидан бири жамиятда аҳолининг ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданиятини оширишга ва қонунийлиқни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратиш, жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий тарбиёт ва маърифат соҳасидаги ишларини самарали мувофиқлаштиришга амалга оширишдан иборатдир.

Маъзур вазифалардан келиб чиқиб, адлия органлари томонидан тизимли ва режалли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Биргина, 2013 йилнинг 1-ярим йиллиги давомида ўтказилган ҳуқуқий тарбиёт тадбирларини рақамларда ифода қилиб бўлсак, воёга етмаганлар бўйича кенг жамоатчилик орасида тушунтиришлар юзасидан қарийб 4000 та ҳуқуқий тарбиёт тадбирлари амалга оширилди.

4



“INSON VA QONUN”
ҳуқуқий газетасига ойна бўлини!
Ойна нумари — 137.
e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz
website: minjust.uz
Тел/факс: 233-94-50



“HUQUQ VA BURCH”
ижтимоий ҳуқуқий журналига ойна бўлини!
Ойна нумари — 902.
e-mail: info@huquqburch.uz
website: huquqburch.uz
Тел/факс: 233-21-93



“Adolat”
“Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўғрисида”
ҳақидаги расмий нашрига ойна бўлини!
Ойна нумари — 940.
e-mail: adolatservice@minjust.gov.uz
website: adolatservice.uz
Тел/факс: 233-67-65



“LexUZ”
“Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”
расмий нашрига ойна бўлини!
Ойна нумари — 940.
e-mail: adolatservice@minjust.gov.uz
website: adolatservice.uz
Тел/факс: 233-67-65



LexUZ — Ўзбекистон Республикасининг Қонун ҳужжатлари маълумотлари
миллий базаси, фойдаланувчиларга интернет орқали норматив-ҳуқуқий
ҳужжатларнинг фойдаланиш имкониятини қўлади.
e-mail: cpf-info@minjust.gov.uz
website: www.lex.uz
Тел: 236-73-96
236-17-53

Томорқа

юртимиз фаровонлигига, дастурхонларимиз
тўқинлигига хизмат қилмоқда



(Давоми.
Боши биринчи бетда)

— Бундан ташқари, юз минглаб гектар сугориладиган ер техник экинлар оборотидан чиқарилди, пахта етиштириш плани 700 минг тоннага камайтирилди. Бу — пахта яккахокимлигини бартараф этиш йўлидаги дастлабки, аммо ўта муҳим амалий қадам эди.

Яқинда Ўзбекистон телевидениесида галлакорларимизнинг бу йилги муваффақиятларига бағишланган махсус кўрсатув намойиш этилди. Кўрсатувда бир раҳбар сўзга чиқиб, шундай деди: — Ислон Абдуғаниевичнинг аҳолига томорқа бериш тўғрисидаги топшириғи қўлимизда эди. Бирок топшириқнинг ижросини таъминлашга қўрқардик. Чунки ўша даврда аҳолига томорқа берган раҳбарларнинг ҳолини билардик-да. — Бу ишларнинг бошида мен турибман, — деди Ислон Абдуғаниевич, катта минбарда туриб. Сўнг биланга жон кирди. Бирок ўша даврда аҳолига томорқа бериш давлатга хизмат қилиш билан тенг жазоланарди. Чунки ер дегани — бу пахта. Пахта эса Москвадагилар учун олтин билан тенг махсулот эди.

— Баъзи раҳбарларни деҳқонларга ер участкалари ажратиб беришга том маънода зўрлик билан мажбур қилишга, қабул қилинган қарорларнинг амалга оширилишини таъминлаш учун жойларга комиссиялар юборишга тўғри келди, — деб ёзди Ўртбошимиз “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида” китобида.

Аҳолига ер беришда қатнашсам, Москвадагилар партия билетини олиб қўяди, дейдиган раҳбарлар республикамизда етарли эди. Ана шу ҳолатни билгани учун Президентимиз жойларга махсус комиссия юборганди.

1989 йил 17 августда Ислон Каримов бошчилигида республика ҳукуматининг Тошкентда бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилишида аҳолига томорқа ва шахсий участкалар ажратиш масаласи муҳокама қилинди. Ўша даврда бу масаланинг Ўзбекистонда муҳокама қилиниши чин маънодаги жасорат эди. Чунки СССР, деган улкан давлатнинг қиличи Москвада иттифокдош республикалар бошида “йўнаб” турарди. Ўша даврда “катта оғ”ларнинг рухсатисиз бу масалани кўн тартибига қўйиш, олов билан ўйнашишга тенг эди. Лекин шунга қарамадан Ислон Каримов миллат тарихида қоладиган буюк ишга қўл урди. Халққа сугориладиган ерлардан томорқа бериш тўғрисидаги ҳужжатга имзо чекди.

Кўплаб оилалар томорқалик бўлди. Битта ота қарамоғидаги 4-5 оиланинг ҳар бири ўз “араваси”ни ўзи тортадиган мустақил рўзгор бўлди.

Фарғоналик Абдуҳамид ака ўша кунларни эслаб шундай дейди: Ўша даврларда 1 сотих ер берган колхоз раҳбарининг жиний жавобгарлиққа тортилиши тайин эди. Пахта экилмаган ер қолмасди. Оиламиздаги 10 нафар киши кичкина ҳовлида яшардик. Ўша йиллари Ислон Каримовнинг топшириғи билан халққа томорқа берилди. Бизнинг оиламиз ҳам бундан четда қолмади. Бугунга келиб ана шу томорқадан 30-40 миллион сўм даромад қилаёмиш. Узумнинг ўзидан 25-30 миллион сўм фойда олаёмиш. Қиш чиласида ҳам боғимизда узум бўлади. Иссиқхонамизда бодринг, помидор, лимон етиштираёмиш. Янги йўл қурдик. Некамизда ўзимизда ишлаб чиқарилган “Нексия” ва “Ласетти” бор. Буларнинг барчаси томорқамиз туфайли.

Йиллар ўтди. Ўртбошимизнинг саяёҳаракати ўз мевасини берди.

Президентимиз томорқалардан олинаётган ҳосил борасида тўхталиб, шундай дейди: “Айрим омиқдор деҳқонлар ўз томорқаларидан 30-40 миллион сўмга етказиб даромад олаётгани эътиборга сазовордир”.

— Йил давомида “Олой” бозорида мевачевалар сотуви билан шуғулланаман, — дейди сотувчи Асрор Алижонов. — Водийлик деҳқонлар билан шартномам бор. Қўллари дард кўрмасин. Улар йилнинг хоҳлаган пайти, хоҳлаган махсулотингизни етказиб беради. Бозорда ҳусайни узум тугаганди, чиллаки (эрта пишар) узумни олиб келишди. Олма, беҳи ва наштавини қўяверинг. Қўйилмисиз? Улар билан сўхбатлашсангиз, махсулотларни ҳовлидаги ўз томорқамизда етиштирганимиз, дейди. Бозоримизда йил бўйи янги узилган помидор, бодрингги топасиз. Қиш чиласида ҳам қўлпўнай ва хилсиз хариқ қилишингиз

мумкин. Ишнинг кўзини билиб, томорқасидан унумли фойдаланиб, юртимиз дастурхонини тўқин қилаётган деҳқонларимизнинг топганларига барака берсин.

— Таҳлилларга қараганда, томорқада экин майдонларидан фойдаланиш самарадорлиги ҳўжалик юритишнинг бошқа шаклларидагига нисбатан 2-3 баробар юқори экан. Негакки, деҳқонлар бозор талаблари, қолаверса, табиий иқлим шароитидан келиб чиқиб, махсулот тайёрлашга ихтисослашуви тўғри йўлга қўйилган. Масалан, Нанай қишлоғида (Янгиқўрғон тумани), асосан, олма етиштирилса, Баймоқда (Чуст тумани) сабзи, Сўфидеҳқонда (Вобkent тумани) қўлпўнай ва гилос, шунингдек, Каттакўрғон ва Қўшрабoт туманларининг аксарият қишлоқларида майизбoп узум етиштириш анъанасига айланган, — деб ёзди иқтисод фанлари номзоди Сайидфозил Зокиров.

— Аҳоли томорқани шунчаки рўзгор эътиёжиги учун экинлар экиладиган жой эмас, балки катта даромад манбаи эканини англаб етди. Натижада, кўплаб деҳқонлар бир йилда 2-3 мартагача ҳосил олишга муваффақ бўлишгаётгани алоҳида таҳсинга лойиқ. Айтайлик, 200 мингга яқин аҳоли истикомат қиладиган Учқўприк туманида лимончилик бўйича ўзига хос тажриба шаклланган. Аҳолининг катта қисми муқобил энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда, иссиқхоналарда лимон етиштириш орқали йилга 6 миллион сўмдан 35 миллион сўмгача даромад олмақда.

Томорқа ҳўжалигининг ривожига унга билвосита алоқадор бўлган бошқа соҳалар иштирокига ҳам ижобий таъсир кўрсатиб, чекка ҳудудларда саноат корхоналарини барпо этиш, аҳоли бандлигини таъминлашда қўшимча шарт-шарoит яратаяпти. Ҳўжабод туманидаги Дилкушод қишлоқ аҳли кўп йиллардан буён гилос етиштириш билан шуғулланган. Ҳар мавсумда ўртача 200-300 тонна гилос ҳосили экспорт қилинади. Табиийки, уни ташиш ва сотиш учун кўп миқдорда ёғоч қўтиларга эътиёж сезилади. Эътиборлиси, бундай махсулотлар ушбу қишлоқда ишга туширилган кичик корхоналар жамоалари томонидан тайёрлаб берилаяпти. (“Халқ сўзи” 2013 йил 16 июль).

...Турсунбой амакисининг ёши 60 дан ошган. Яқинда қишлоқдагиларнинг томорқадан қандай фойдаланаётгани борасида сўхбатлашиб қолдик.

— Қишлоқда барча оиланинг ўз томорқаси бор. Сув етарли. Уларнинг баъзилари ишланши хоҳламайди. Картошка ва пиззани ҳам бозордан сотиб олишади, — дейди у киши бироз ранжиб. Ўз томорқасидан унумли фойдаланган оилалар бозорларимизни обод қилишмоқда. Омадини берсин.

— Онам раҳматли кўп бор гапириб берган, деб эслайди Турсунбой амаким. — 1930-32 йиллар юртимиздаги кўплаб бойлар Украинага ва Кавказ республикаларига қўлоқ қилинган. Онамнинг амакиси Ҳикмат бойнинг каттагина боғи бўлган экан. 1932 йилнинг кеч қузида фарқ ҳосилга кирган боғни тумандан келган вакиллар кестириб, амакисининг уйини бузиб, хонадондан чиққан ёғочларни ёқиб юборган экан. Ўзини болалари билан Озарбойжонга қўлоқ қилиб юборган. Бобомиз оиласи билан ўзга юртларда ўлиб кетган экан. Сабаби, ўша катта боғдан даромад кўриб, бойиб кетган экан.

Катта авлод вакиллари Собик иттифок давридаги ҳаётни яхши эслашади. У даврда томорқадаги ҳар бир туп мевали дархат учун алоҳида солиқ тўланган.

Бу Собик иттифок даврида томорқага, ҳусусий мулкка, одамлар меҳнатига бўлган “эътибор” эди. Хулосани эса ўзингиз чиқаринг.

Мустақиллик йилларида эришган барча ютуқларимизнинг ижодқори ва бунёдқори бўлган халқимизнинг онгу тафаккури, дунёқарashi, ишга, ҳаётга муносабати бутунлай ўзгариб, дахлдорлик туйғуси, ўз кучи ва имкониятларига бўлган ишонч мустаҳкамланиб бораётгани, мухтасар айтганда, мустақил тараққиёт йўлида қандай юксак марраларга эришган бўлсак, уларнинг барчасининг негизига, авваламбор, одамларимизнинг ўсиб бораётган сиёсий, ҳуқуқий, маданий савияси ва ижтимоий фаоллиги муҳассам эканини бугунги ҳаёт кўрсатмоқда.

Бугун ҳаёт бошқача. Томорқангиз борми? Унда ҳалол меҳнат қилиб ишласангиз, бас. Бой-бадавлат бўлиб, бахтли, фаровон яшашингиз мумкин. Бунини мустақиллик берган имконият, деб билмоғимиз керак.

Зайинддин МАМАДАЛИЕВ,
“Инсон ва қонун” мухбири

ЮРТБОШИМИЗ 2010 йилнинг 12 ноябрида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида сўзлаган нутқида “...Бундан ўн йил олдин қабул қилинган амалдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳририни қабул қилишни бугун ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда. Яъни, ўтган даврда қонун ижодқорлиги жараёни кенгайгани ва мураккаблашгани, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг асосланганига ва сифатига нисбатан талаблар сезиларли даражада ошгани бу соҳада қонунийликни таъминлашнинг янги ва янада самарали механизмларини яратишни, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунларга, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотлар эътиёжларига мос бўлишини тақозо этмоқда”, деб алоҳида таъкидлаган эди.

2012 йил 24 декабрдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши норма ижодқорлиги соҳасида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Адлия вазирининг 2013 йил 7 августдаги 160-сонли буйруғига асосан Тошкент вилояти адлия бошқармаси фаолиятини комплекс текшириш бўйича тузилган ишчи гуруҳи томонидан вилоятдаги маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий характерга эга бўлган ҳужжатларнинг ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши ҳолатини ўрганиш жараёнида бу борада ҳануз ўз ечимини кутаётган маъмулор қўлиги аниқланди. Шу сабабли тегишли мутасадди ҳодимларнинг ҳуқуқий билимларини оши-

Тадбир

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар хатоликни ёқтирмайди



риш мақсадида вилоят адлия бошқармасида туман (шаҳар) ҳокимликларининг ҳуқуқшунослари, ташкилий назорат гуруҳ раҳбарлари ҳамда умумий бўлим мудирлари иштирокида ўқув-семинари ташкил этилди.

Тадбирни олиб борган Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи, ишчи гуруҳи раҳбари ўринбосари Ш.Саидов таъкидлаганидек, бугунги кунда жамиятнинг демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислох қилиш ҳамда модернизациялаш жараёнида қонун ҳужжатларини қабул қилишда ваколатли давлат органлари, шунингдек, қонунчилик техникаси қондаларига мувофиқлигини аниқлаш юзасидан ҳар томонлама экспертизани амалга ошириш ҳисобланади.

рига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Адлия вазирлигининг асосий вазифаларидан бири ҳам давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмаларининг норма ижодқорлиги фаолиятини тизимли таҳлил қилишни ташкиллаштириш, киритилдиган ёки қабул қилинадиган қонун ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонун ҳужжатларига, мамлакатда олиб борилаётган ислохотларнинг мақсад ва вазифаларига, шунингдек, қонунчилик техникаси қондаларига мувофиқлигини аниқлаш юзасидан ҳар томонлама экспертизани амалга ошириш ҳисобланади.

Ж.Сирожев, Адлия вазирлигининг Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси масъул ходими, ишчи гуруҳ аъзоси:

— Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома вазирилик томонидан ишлаб чиқилиб, давлат бошқаруви ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига етказилган.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норма ижодқорлиги соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштиришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Бинобарин, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг ажралмас бўлаги сифатида ижтимоий муносабатларни тартибга солишда алоҳида аҳамият касб этар экан, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тайёрланадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ҳар томонлама мукамал, юридик техника жиҳатдан тўғри расмийлаштирилган бўлиши шарт.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, маҳаллий давлат ҳокимияти

органларининг норматив ҳуқуқиятга эга бўлган қарорларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмасдан қабул қилиниши ёқуд давлат ҳисобига олиниши Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларининг бузилишига, фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига зарар етказиши билан бир қаторда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида қарама-қаршилиқ ва турли зиддиятларни келтириб чиқариши мумкин.

Хулоса қилиб шунини айтиш мумкинки, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норма ижодқорлиги фаолияти жамиятда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, бу мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислохотларни амалга ошириш учун йўл очиб берадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда қонун ижодқорлиги ва ҳуқуқни қўллаш соҳасида давлат сиёсатини юритишга ёрдам беради.

Анжуманда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда қўйиладиган талаблар ва тартиблар ҳақида иштирокчиларнинг саволларига ҳам алоҳида жавоб қайтарилди.

Бахтинур ҲАСАНОВ,
Адлия вазирлиги
масъул ходими,
ишчи гуруҳи аъзоси

Ўқув-машғулот

Фуқаролик жамияти — демократия кўзгуси

БУГУНГИ КУНДА кенг қамровли, такомиллашган жамоатчилик назоратисиз ҳуқуқий демократик тамойилларга асосланган фуқаролик жамиятини тасаввур этиш қийин. Бошқача айтганда, давлат органлари устидан кучли жамоатчилик назоратининг мавжудлиги — фуқаролик жамиятининг энг биринчи шартидир.

МАЪЛУМКИ, мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш мақсадида фуқаролик жамиятининг таркибий институтлари, ҳусусан, жамоат ташкилотларининг жамият ҳаётидаги ўрни ва роли-

ни мустаҳкамлаш борасида кўплаб ислохотлар амалга оширилмоқда.

Шу мақсадда, мустақиллик йилларида мамлакатимизда жамоат ташкилотларининг фаолиятини тартибга солишга қаратилган ва халқаро ҳуқуқ нормалари

ҳамда демократик талабларга жавоб берадиган қонунчилик тизими яратилган.

Фуқаролик жамияти институтларига бирлашган фуқаролар ўзларининг турли хил манфаатлари ва ҳуқуқларини амалга оширишни кўзлайди. Бундай шароитда фуқаролик жамияти институтлари олдида фуқароларнинг давлат ишларини амалга оширишдаги иштирокларини таъминлаш ҳамда уларнинг мавжуд қонунчиликка нисбатан ижобий

муносабатларини шакллантириш ва шу орқали инсон ҳуқуқлари маданиятини юксалтириш каби янги вазифалар қўйилмоқда.


Адлия вазирлигида ўтказилган навбатдаги ўқув-машғулотда ҳам ана шулар ҳусусида сўз юритилиб, давлат органлари устидан кучли жамоатчилик назоратининг мавжудлиги демократиянинг муҳим шарти ҳисобланиши ва давлат органларида ишлаётган ҳар бир раҳбар кадр ўз фаолиятининг жамоатчилик назорати остида эканлигини чуқур ҳис этиши жамият ривожига муҳим аҳамиятга эга эканлиги, шу боис, давлат идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини қучайтириш ҳозирги даврда муҳим вазифалардан бири эканлиги ҳақида ҳам фикр билдирилди.

Машғулот қизгин баҳс-мунозара ва савол-жавобларга бой бўлди.

Адлия вазирлиги
Хуқуқий тарғибот ва
ҳуқуқий таълим бошқармаси

Адлия аралашгач...

Шартнома мажбуриятлари бажарилмаса ўзаро ишонч йўқолади



ҚЎНФИРОТ ТУМАНИДА фаолият юритувчи “Рустем Қанлиқолиши” фермер ҳўжалиғи раҳбари Р.Реймовнинг “Қўнғирот ун заводи” ОАЖ контрактация шартномаси мажбуриятларини бажармаганлиги, яъни тўланиши лозим бўлган пуллари тўламаётганлиги юзасидан норози бўлиб, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазир-

лигининг “Ишонч телефони”га қилган мурожаати ўрганиб чиқилди.

Фермер ҳўжалиғи 2012 йили бошқили дон етказиб бериш бўйича “Қўнғирот ун заводи” ОАЖ билан 2011 йил 4 сентябрда 52-сонли контрактация шартномаси тузган ва “Рустем Қанлиқолиши” фермер ҳўжалиғи 307,3 тонна бўғдой ҳосилини жамиятга етказиб бериш,

жамият эса етказиб берилган ҳосил учун 107.301 минг сўм ҳақ тўлаш мажбуриятини олган.

Фермер ҳўжалиғи томонидан бўғдой ҳосили тўлиқ етказиб берилган. Лекин “Қўнғирот ун заводи” ОАЖ белгиланган тартибда ҳисоб-китоб қилмаганлиги аниқланди.

Ушбу қонунбузилиш юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан “Рустем Қанлиқолиши” фермер ҳўжалиғига шартномага асосан тўланиши лозим бўлган 75.225.553 сўм тўлаб берилиши тўғрисида “Қўнғирот ун заводи” ОАЖга тақдимнома киритилди.

Тақдимномага асосан фермер ҳўжалиғига етказиб берилган ҳосилдорлиқнинг пули тўлиқ тўланиши таъминланди.

Замир ХОДЖАХМЕТОВ,
Қорақалпоғистон
Республикаси
Адлия вазирлиги
масъул ходими

13 август. Қишлоқ ва сув ҳўжалиғи вазирлиги, Тошкент Давлат аграр университети, Тошкент Ирригация ва мелиорация институти ҳамда Миллий матбуот маркази ҳамкорлигида

“Қишлоқ ва сув ҳўжалиғи соҳасини малакали кадрлар билан таъминлаш муаммолари, “Коллеж — олий таълим — корхона” мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда Республикада қишлоқ ва сув ҳўжалиғи соҳасини малакали кадрлар билан таъминлаш, коллеж — олий таълим — корхона ўртасидаги узвийлиқни модернизация қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар таҳлил қилиниб, келгусидаги фаолиятни ривожлантириш борасидаги режалар муҳокама этилди.



14 август. Миллий матбуот маркази ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари қўмитаси, Низомий номидagi Тошкент давлат педагогика университети, Республика миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази билан ҳамкорликда “Баркамол авлод тарбияси ва уларни диний-экстремистик гуруҳларнинг зарарли таъсиридан ҳимоялаш масалалари” мавзусида семинар ташкил этилди.

Унда сўзга чиққанлар диний экстремистик оқимлар ўз ғояларини турли йўллар, айниқса, интернет тармоғи орқали сингдириш, ўқий ёки ишлаш учун хорижга чиққан ёшларимизни алдаб, ўз сафларига тортиш каби усуллардан фойдаланаётганини кайд этдилар. Шунингдек, ўқув муассасаларида маънавий тадбирлар, ёшлар билан турли учрашувлар, сўхбатлар, оммавий нашрлар, радиоэшиткич ишлар ва телекўрсатувлар орқали кенг қамровли тарғибот ишлари аниқ рақамлар асосида ёритиб берилади.

Мадина ҲАМДАМОВА,
“Инсон ва қонун” мухбири

